



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
15 декабрь
ШАНБА
№ 100
(12.528)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ЮКОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ОБОД, КЎРКАМ КЎЧАЛАР

"Тўқимбой" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини ободонлаштириш ишлари ниҳоятга етди.

Маҳалла фаоллари ташкиллаштирган ҳашарда 400 киши қатнашди. Кўчалар обод қилиниб, арик-зовурлар, йўл четлари чиқиндилардан тозаланди. "Матек ота" қабростони тартибга келтирилди.

Ҳашарга бириктирилган техника ишни енгилаштирди.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

САМАРАДОРЛИК ҚУРОЛИ

Ахборот-ресурс марказида "Янги ахборот технологиялари – инновацион кутубхоначилик фаолияти самарадорлигини ошириш қуроли сифатида" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Унда тумандаги барча ахборот-ресурс марказларидан 70 нафар ходим иштирок этди. Семинарда Абдулла Авлоний номидаги республика малака ошириш институти қoшидаги ахборот-ресурс маркази вакиллари билан мавзуга доир маърузалари тингланди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. Ирода МАКСУД қизи.

МАДҲИЯМИЗНИ КУЙЛАЙМИЗ

Оҳангарон туман маиший хизмат касб-хунар коллежидида "Камолот" ЕИҲ туман кенгаши, Халқ демократик партияси ҳамда касб-хунар коллежлари ҳамкорлигида "Мадҳиямизни куйлаймиз" кўриктанлови ўтказилди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, эркин фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлигини чуқур англаш ва амал қилиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида уюштирилган танловда коллеж ўқувчилари ва ўқитувчиларининг иштироки томошабинларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Танловда қатнашган 5 та касб-хунар коллежлари орасида маиший касб-хунар коллежи жамоаси биринчи ўринга муносиб топилди.

Саида РАҲМОНОВА.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ТИББИЙ САВОДХОНЛИК

Агроекономик касб-хунар коллежидида ОИТСга қарши кураш мавзусида тадбир ўтказилди. Ўқувчилар ОИТСни юқтирмаслик учун нималарга риоя этиш кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб олдилар ҳамда саҳна кўрсатилган тадбир оралигида намоийш этдилар.

"Назарбек" ҚБП шифокорларининг мисолларга бой маърузаси қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ўқувчилар эрта турмуш қуришининг зарарли оқибатлари, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ нималарга олиб келиши каби ўзларини қизиқтирган кўплаб бошқа саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

ЯНГИ КОРХОНА

ИШЧИЛАР – МАҲАЛЛИЙ ЁШЛАР

Юқори Чирчиқ туманидаги Балиқчи қишлоғида янги "Еврошифер" корхонаси қуриб, ишга туширилди. "Универсал грант" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган янги корхона турли чиқиндилар бирикмасидан иборат маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ҳозирча бир сменада иш бошлаган корхона 50 иш ўрнига эга. Технологияси Россия ҳамда Хитойдан келтирилди. Шу боис хитойлик мутахассислар келиб, беш кишидан иборат муҳандис-техник ходим ҳамда маҳаллий ёшларни технологик жараёнлар билан таништириб, иш ўргатиб кетишди.

Корхонанинг илк маҳсулоти эни бир метр, бўйи икки метрли қизил рангдаги шифердан иборат бўлиб, асосан ички бозорга мўлжалланган. Кейинчалик маҳсулотнинг ранги ҳам, ўлчами ҳам истеъмолчиларнинг талаб ва буюртмаларига қараб ўзгартириливеради.

– Янги 2013 йилдан бошлаб ишни уч сменада ташкил этишни режалаштирганмиз, – дейди корхона раҳбари Аҳмаджон Холбердиев. – Шунда иш ўринлари уч баравар кўпайди ва маҳсулот ҳам истеъмолчиларга уч хил рангда тавсия этилади.

Даврон АҲМАД олган сурат.



«ЎЗБЕКИСТОН – УММОН СУЛТОНЛИГИ: ҲАМФИКРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, ҲАМКОРЛИК»

Мамлакатимиз ва Уммон Султонлиги ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги ҳамда Уммон Султонлиги миллий байрамнинг 42 йиллиги муносабати билан ўзбек ва араб тилларида чоп этилган китоб ана шундай номланган.

Уммон Султонлиги Қобус бин Саъид Аъло ҳазратларининг қисқача таржимаи холи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Исроҳ Каримовнинг 2009 йил 4-5 октябрь кунлари ушбу мамлакатга давлат таширифта доир муфассал маълумотлар мазкур китобнинг илк саҳифаларидан ўрин олган.

Мамлакатимиз мустақил ривожланишининг тарихидан маълумки, Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб, яъни 1991 йилнинг декабрида расман тан олган. 1992 йилнинг апрелида эса икки давлат ўртасида ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилган.

Шундан буён Ўзбекистон ва Уммон муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланиб келмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат мақсадлари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз терроризм, экстремизм, курол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш

Вилоят ҳоқими-нинг "Вилоятда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг "Хайр-Эҳсон" ўн кунлигини ўтказиш тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши асосида туман ва шаҳарларда хайр-Эҳсон тадбирлари ўтказилмоқда.

«Хайр-Эҳсон» ўн кунлиги

Умиди ФАЙЗИЕВА.

Чиноз туманидаги тадбир давомида ёлғиз, ногирон ва ижтимоий кўмакка муҳтож қариялар ҳолидан хабар олинди, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Шунингдек, Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан ташкилотнинг Қирғай, Юқори Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида ўтказилган тадбирларида ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ва ногиронларга совғалар тарқатилди.

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида шундай дейилади: "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этди. Давлат истеъмолчилар-

нинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ОИЛА ПЎЙДЕВОРИ

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳисис ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор факат қолунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин". Оилавий бизнеснинг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, пировард натижада халқимиз турмуш фаровонлигини оширишнинг республикамиз шароитига хос ва мос бўлган энг муҳим шарти эканлигига мамлакатимиз Президенти ўз асарлари ва маърузаларида жиҳдий эътибор бериб келмоқда: "Энг асосийси – оилавий бизнеснинг ҳужа-лик фаолиятига асосий равишда аралашадиган, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожланишига ёрдам кўрсатиш ўрнига, ҳалақат берадиган турли илч назорат идораларини тартибга қа-чиришиимиз керак".

Оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи мавқени эгаллаш, айни вақтда аҳоли даромадларини ошириш ва ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг муҳим омилга айланганлиги лозим. Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" товар белгили машиналар, дастгоҳ, асбоб-ускуна ва бошқарилма жихозлари қўллаб-қўлланмоқда. Хориждан валютотга сотиб олинган асбоб-ускуналарга қараганда ўз истеъмолчиларимиз яратган, санатчиларимиз синновидан ўтган бундай маҳсулотлар арзонлиги, сифатлилиги ҳамда кам харажатлилиги билан хорижикидан қолишмаяпти.

Албатта, бундай юқори технологияли рақобатбардош техник жихозлар ҳали юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади" дея таъкидлаганларидек, замонавий тураржойлар, мухташам мактаб ва касб-хунар коллежлари, қишлоқ шифоналари, болалар оромгоҳлари, спорт иншоотлари қўлайиб бораётганида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта. Шаҳар ва қишлоқларда, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат каби ресурсларни тежаш, кам харажатли, арзон ва сифатли товар ишлаб чиқариш билан бирга, жойларда санат чиқиндилари бўлиши металл парчалари ва қириндилари, ёғоч, пластмасса, тўқима матолар парчалари, қадоқлаш ва ўрама материаллар чиқиндиларини бир жойга тўпловчи ва уларни махсус сараловчи кичик корхоналар қуриб, минитехнология асосида иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйиш тадбиркорларимиз учун кони фойдадир. Чунки қичқинди ниҳоятда кам харажатли хом ашёдир. Қайта ишловчи технология тизим яратилса, қурилса, ишга туширилса, қундали рўзгорда қўлланиладиган минггла турдаги кенг ишлаб истеъмол товарларини ишлаб чиқариш имкони туғилади. Айниқса, қишлоқларда ўрта ва кичик тадбиркорликни йўлга қўйиш боддорчилик ва соҳибкорликни ривожлантириш, паррандачилик ва балкичилик ҳужайкаларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, хунармандчиликнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, хотин-қизлар учун касанчилик билан шуғулланишга кенг йўл очилади.

Республикамизда тадбиркорликнинг иқтисодий асосларини назарий жиҳатдан ўрганиш, тадбиркорларимизнинг илмий салоҳиятларини оширишга эришилди. Ҳозир маъсул раҳбар, фирма бошлиғи ёки тадбиркор борки, иқтисодий билимларини жуда яхши ўлаштириб олган. Улар ишни ниҳадан, қандай бошлашни, қачон, қаерда ишлаб чиқариш қоронхонаси қуришни ва маҳсулот ишлаб чиқаришининг илмий ечимларини пухта таҳлил ва баҳорат қила оладилар.

Мухтарам Юртбошимиз "Қишлоқ тараққий топса, (Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ВАТАН ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг ўқув марказида нодавлат нотижорат ташкилотлари форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги мустақил институтининг пойтахт шаҳар ҳамда Тошкент вилоят бўлиmlлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташкил этган анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари, фермер ва тадбиркорлар иштирок этди.

Анжуман давомида ижтимоий муҳим муаммолар ечимини топish, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ҳамкорлиги таъминланган янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Иштирокчилар "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида", "Жамоатчилик назорати тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида" ва "Давлат ҳоқимияти органлари ва бошқарувининг очиқ-шоркорлиги тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Форум жараёнида нодавлат

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДАГИ ХАТО ТУЗАТИЛДИ

Қуйи Чирчиқ тумани Ўзбекистон беш йиллиги қишлоғи "Олмазор" маҳалласида яшовчи Инобат Усанова тахририятимизга йўллаган аризасида аввал тайинланган пенсияси миқдори ҳисоб-китоб қилиниб, қайта белгилашда пенсия миқдори камайтирилгани ва бу қонуний ёки йўқлигига аниқлик киритиб беришни илтимос қилган эди. Тахририят ушбу ариза юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи Л. Йўлдошев имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, аризачининг "Ўзбекистон беш йиллиги" таъриба ҳўжалигидаги 1987 йилдан 1992 йилгача бўлган иш стаж ва иш ҳақлари ҳақидаги маълумотлар ҳамда ҳўжалик томонидан архивга топширилган ҳужжатлар текширилганда, И. Усанованинг 1988-1992 йиллардаги иш ҳақларида фарқ борлиги аниқланган. Шу сабабли И. Усановага 1995 йил 1 сентябрдан шу кунга қадар 6 миллион 561 минг 483 сўм ортиқча пенсия пули тўлангани маълум бўлди. Пенсиянинг иш стаж ва иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда архив ҳужжатлари қайта текшириб чиқилганидан сўнг, аввал тайинланган 346 минг 834 сўм 71 ти-ин миқдоридидаги пенсия бекор қилиниб, 198 минг 956 сўм 33 ти-ин миқдоридида янги пенсия тайинланди. Ортиқча тўланган пенсия миқдори Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 65-моддаси ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қуйи Чирчиқ туман бўлимининг пенсия ва нафақалар тайинлаш ҳамда тўлаш комиссиясининг 2012 йил 16 июлдаги 39-қарорига асосан И. Усанованинг ойлик пенсиясидан 50 фоиз чеғирма ортиқча тўлов тўлиқ ундирилгунга қадар ушлаб қолинмоқда.

ТЎЛОВДАН ҚАРЗ ЭМАСМИСИЗ?

"Чинозтумангаз" филиали раҳбарияти тахририятга берган маълумотларга қараганда, бугунги кунда хонадонларнинг 92 фоизга гашлаштирилган. Бошқача айтганда, 20 минг 426 хона-

дон табиий газдан фойдаланади. Шундан 16 минг 7 та хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатилган. Қолган хонадонлар белгиланган ўртача меъёр бўйича ҳақ тўлайди.

ҲАҚИНИ ТЎЛАМАГАНГА ГАЗ ЙЎҚ

Маълумотлардан кўриниб турибдики, фойдаланилган табиий газ учун аҳолидан ҳамда улғуржи истеъмолчилардан тўловларни ундириш вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан бирмунча дуруст йўлга қўйилган. Айниқса, табиий газдан ноқонуний, яъни турли қинғир йўللар билан фойдаланишга уринувчиларга қарши изчил чоралар қўлланилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойида ўтказилган текширишлар жараёнида табиий газдан ноқонуний фойдаланишга оид 102 та ҳолат аниқланди. Етказилган зарар 11 миллион 900 минг сўм эканлиги маълум бўлди. Қўрилган чоралар натижаси-

да 50 истеъмолчидан 5 миллион 860 минг сўм зарар ундириб олинди. Қонунбузарликка йўл қўйган бошқа истеъмолчилар устидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди. Филиал ходимлари улғуржи истеъмолчилардан фойдаланилган газ учун мuddати ўтган қарзларни ундиришга жиҳдий эътибор қаратишмоқда. Чунончи, умумий ҳисоб-да мuddати ўтган дебитор қарзлари 46 миллион сўмга етишига йўл қўйган тўртта қорхона ва ташкилот устидан вилоят ҳўжалик судига ҳужжатлар расмийлаштирилиб,

даъво аризалари ва суд буйруқлари киритилиб, қарзлар ундириб олинди. Ҳамма туманларда бўлганидек, Чинозда ҳам табиий газ тўловларидан асосий қардорлик аҳоли зиммасига тушмаяпти. Маълумотларда қайд этилишича, 9534 хонадоннинг умумий қарзи 8 миллион 440 миллион сўмга етган. Ушбу ҳолат юзасидан Зангиота туманларо фуқаролик судига даъво аризалари киритилиб, 2100 абонентдан 1 миллиард 94 миллион сўм ундирилди.

Филиал раҳбарлари газ ҳақини вақтида тўламай, қарз устига қарз бўлиб бораётган абонентларга қарши таъсирчан чоралар қўллашга ҳарақат қилишгани. Хусусан, фойдаланилган газ ҳақини сурункали тўламай, катта миқдорда қарз бўлиб қолаётган хонадонларнинг алоҳида рўйхати тузилиб, улар табиий газ тармоғидан узиб қўйилмоқда. Ушбу рўйхатда абонент Илҳом Тўраев 2 миллион 330 минг, Иzzат Исматов 2 миллион 32 минг 295 сўм, Қўлдош Тожиқулов 1 миллион 943 минг 938 сўм қарз бўлиб қолгани қайд этилган. Умуман, юздан зиёд абонентнинг қарзлари миллион сўмдан ошган.

(Давоми 2-бетда).

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохларнинг йўлбоши...

Оила бошлиғи тадбиркор бўлса, ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириб...

биркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида...

да қонуний фаолиятларини йўлга қўймоқдалар. Ўртимизда халқ хунардчилиги қадимдан кенг...

бат, мураббо, салқин ичимликлар тайёрлаш билан оила даврасида шуғулланилади. Қуруқ меваларни қайта ишлаш ва қадоклаш соҳаси ҳам...

қилинадиган товарлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилаётгани тўғрисида...

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

МУҲИМИ – САМАРАДОРЛИК

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида қонуналар ва қарорлар ижросини таъминлашда жамоат назоратининг аҳамияти кучайиб бораётган. Аynиқса, депутатлик назорати самараси аққол намойён бўлмоқда.

Амалдаги қонуналар ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш, долзарб масалаларни вилоят кенгаши сессияларида муҳокама қилиш учун тайёрлаш...

Юқори Чирчиқ туманида ободонлаштириш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашда муайян тажриба тўпланган. Бирок, ўрганишлар жараёнида барча қорхона ва ташкилотлар ҳам ишга шундай ёндошмаётгани аниқланди.

Чунончи, бу йил "Табиати муҳофазат қилиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофазат қилиш тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" ги қонуналар, республика Президентининг "Ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони...

Доимий комиссия "Ўрмон тўғрисида" ги Қонун ижросини ҳам алоҳида кўриб чиқди. Ҳозир ўрмон ҳўжалиқларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш, доривор, озик-овқат-боп ўсимликлар ҳосилини ошириш ва тайёрлаш, ўрмонларни кенгайтиришда эътиборлилик кузатишмоқда.

Бекобод ва Ўрта Чирчиқ туманларида тупроқ шароити ёмонлашиб, ҳосилдорлик пасайиб бораётгани кузатишмоқда. Шунинг эътиборига олиб, доимий комиссия Президент Фармони қандайд бажарилаётганини ўрганди. 2008-2011 йилларда Бекобод туманида 5 миллиард 530 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиб 601,3 километр узунликдаги сув йўллари таъмирланган ва 65 километрдан зиёд сув шохчалари реконструкция қилинган.

Ўрта Чирчиқ туманида ерларни мелiorациялаш учун 2 миллиард 110 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу йил доимий комиссия яна бир муаммони атрофлича ўрганди. Чирчиқ шаҳри ва

ДАВРА СУҲБАТИ

Опмаллик шаҳрида O'zliDeP вилоят кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини 20 йиллигига бағишлаб "Конституция – мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги O'zliDeP фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари, партия фаоллари иштирок этган тадбирда Конституциянинг тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ҳаёти, эркинлиги, қадриятлари ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият экани, ҳар бир фуқароннинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётгани таъкидланди.

ТўЛОВДАН ҚАРЗ ЭМАСМИСИЗ?

ҲАҚИНИ ТўЛАМАГАНГА ГАЗ ЙўҚ

Умумий қарзлари 3 миллиард 394,1 миллион сўмга етган 1200 та хонадон табиий газ тармоғидан узиб қўйилди ва шу таъсир чораси орқали қарзининг 1 миллиард 75,2 миллион сўми ундириб олинди. 1201 та хонадонга эса 495 миллион сўм қарзини тўлаш ҳақида огоҳлантириш хати тарқатилди.

Филиал республика Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган "Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан қонунга зид хизматлар учун тўловларни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тўғрисида" ги Низомда белгиланган тартиб-қоидалардан самарали фойдаланишмоқда.

Ҳида рўйхатга олиниб, ойма-ой суъюлтирилган газ билан таъминланмоқда. Хонадон эгалари ва улгуржи истеъмолчилар тўловларни вақтида тўламаётган, қарздорликка бутунлай чек қўйиш оғир кечаётган бўлсада, биз газ таъминотини яхшилаш, узилтиришга йўл қўймаслик чораларини кўраёلمиз, – дейди филиал бош муҳандиси Тоҳир Тожибоев.

"Чиноз туманга" тўловларни вақтида ундириш учун 10 та қишлоқ ҳамда Чиноз шаҳарчасидаги 13 та маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлаш мақсадида, филиал техник-муҳандис ходимлари ҳамда "Абонент хизмати" назоратчилари, "Фойдаланиш хизмати" чилангарларидан иборат 23 та гуруҳ тузди. Уларга 5 та пайвандчилар гуруҳи бириктирилди. Бу гуруҳлар сурункали қарздорларни аниқлаш, огоҳлантириш ва зарур бўлса тармоқдан узиб қўйиш ва қарзини тўлагаҳ, қайта улаш билан шуғулланмоқда.

"Ипотекабанк" билан ҳамкорлик қарздорликни камайтириш, тўловларни вақтида ундиришга ёрдам берадигани. Банк абонентлардан фойдаланишга қарз ҳақини терминналлар орқали қабул қилишни йўлга қўйди. Шунингдек, "Халқ банки", "Ҳамкорбанк" ва туман почтаси билан шартнома тузиб ишлаш ҳам аҳоли қарзларини камайтириш имконини берадигани. Табиий газ этиб бормаган чекка хонадонлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Бундай хонадонлар ало-

қилиб қарздорликни камайтириш, тўловларни вақтида ундиришга ёрдам берадигани. Банк абонентлардан фойдаланишга қарз ҳақини терминналлар орқали қабул қилишни йўлга қўйди. Шунингдек, "Халқ банки", "Ҳамкорбанк" ва туман почтаси билан шартнома тузиб ишлаш ҳам аҳоли қарзларини камайтириш имконини берадигани. Табиий газ этиб бормаган чекка хонадонлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Бундай хонадонлар ало-



публика Президенти қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларни табиий газ билан таъминлаш учун жами бир километр узунликда янги қурувлар тортиб, газ билан таъминлаш ҳам режага киририлган. Бунинг учун катта микдорда маблағ керак бўлади. Демак, аҳоли ҳам, улгуржи истеъмолчилар ҳам фойдаланилган газ ҳақини ҳақтида тўлаб боришни одат қилмас эканлар, дебитор қар-

злар камаймас экан, нафақат юқоридаги режалар ижроси барбод бўлади, умуман газ таъминотида барқарорликка эришиб бўлмайди. Самад Йўлдош. СУРАТДА: (чапдан) абонент хизмати бўлими бошлиғи Шавкат Расулов, "Оқтепа" маҳалласи назоратчиси Маъмур Йўлдошев, маҳалла посбони Мурод Назаров. Даврон АҲМАД олган сураат.

ТўЛИҚ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

Мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос тиббиёт муассасалари қурилиб, хизмат кўрсатиш бекиёс даражада юксалди.



Пискент туманидаги "Оқтепа" қишлоқ врачлик пункти тўрт минг кишига хизмат кўрсатади. Тўлиқ қайта таъмирланган шифо маскани ҳаммаша одамлар билан гавжум. Бу ерда нафақат беморлар, балки тиббий кўриқдан ўтиш, керакли маслаҳатлар олиш учун келганлар ҳам кўп. Аҳоли тиббий маданиятини оширишда, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётган муассасада тажрибали шифокорлар, кўли энглил ҳамширалар малакали хизмат кўрсатишади. Бош шифокор Гулчехра Ҳайдарованингни айтишича, қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик – 1" ва "Саломатлик – 2" лойиҳалари асосида барча замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Улар ёрдамида аниқ ташхис қўйиш, керакли муолажалар, зарур тиббий ёрдам кўрсатиш мумкин. Аynиқса, болалар ва усмирлар, фер-

тил ёшидаги аёллар саломатлиги назорат остига олинган. Саида РАҲМОНОВА, Еркебой БОТИРОВ олган сураатлар.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси Миллий матбуот марказида ўтказган Федерация кенгаши масъул ходимлари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Анжуманда, ижтимоий шериклик асосида тузилаётган жамоа келишувлари натижасида янги меҳнат бозори ривожланиб, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадидаги ечим топилётгани таъкидланди. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ижтимоий шериклик асосида шу йилнинг ўтган 10 ойи давомида эҳтиёжманд 51,5 миң оиллага моддий ёрдам кўрсатилди. Энг муҳими, ижтимоий шериклик асосида жойларда ёш оилалар учун минглаб янги иш ўринлари яратилди. Анжуман сўнггида қатнашчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга ташкилотчилардан мукаммал жавоб олишди. Бекзоод ҲИДОЯТОВ.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ОЛАСИЗ

ХАВОТИРИНГИЗ ЎРИНЛИ

Ўғлим кўринишидан соппа-соғ. Ҳеч қаери оғрмайди. Аммо, аҳён-аҳёнда қорни оғриётганидан шикоят қилади. Кўрсатмаган шифокоримиз қоламади. Яқинда бир шифокор болангизда гижжа бор, деб қолди. Бу нима, касалликми? Унинг бола жисмига таъсири ҳуусида маслаҳат берсангиз. Шахноза МАННОПОВА, Зангиота тумани.



Гижжалар – (гельминт) киши танасида паразит сифатида яшовчи чувалчанлардир. Уларнинг 260 дан ортиқ турли маълум. Узунлиги микроскопик катталикдан то 10 метргача етади. Гельминтлар одамнинг нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, мушак тизимида, жигар, талок, қон, мия, кўз ва бошқа аъзоларда паразитлик қилади. Гижжа туҳумлари тупроқда, сувда, мева ва сабзавотларда, ҳайвон юнглирида учраши мумкин. Агар болаларда кўнгли аynиши, қайт қилиш, бош оғриши, қувватсизлик, безовталик, уйку бузилиши,

озиб кетиш, тажанглик, қоринда оғриқ бўлиб туриши, уйку пайтида тишини гирчиллатиш каби ҳолатлар кузатилса, аввало, тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда инфекциясини ва гельминтолог кўригига олиб бориш керак. Гижжа касаллигининг олдини олиш учун шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, кўлларни совунлаб ювиш, баданин озода тутиш лозим. Тирноқларни тоза ва калталатиб туриш керак. Ички кийим ва чойшаб, ўрин-кўрпа жилдларини тез-тез алмаштириш зарур. Қолаверса, гўшт ва гўшт маҳсулотларини пишириш ва истеъмол қилишдан аввал яхшилаб ювиш керак. Шунингдек, сабзавот ва меваларни қайнаган сув билан ювиб овқатга ишлатиш ва истеъмол қилиш. Акс ҳолда гижжа туҳумлари киши танасига ўтиб, тез ривожланади ва тана аъзоларига зарар етказиши. Масалан, гижжа касаллигига чалинган беморларда камқонлик, иммунитетининг сустайиши, ҳаддан ташқари озиб кетиш, ичак ва тери-таносини касалликлари ҳам кузатилади. Фаридна КОМИЛОВА, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси.

МОЛ-МУЛККА ТАҚИҚ ҚўЙИЛСА...

– Мол-мулк шартномаси қаерда расмийлаштирилади? Р. АҲМЕДОВ, Куйи Чирчиқ тумани.

– Мустақиллик йилларида мулкка ва уни бошқаришга муносабат тубдан ўзгарди, мулкка эгаллик қилишнинг қонуний неғизи янгиланди. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф иккинчи тарафга мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувага топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг маъноси ёки қўрсатган шахс манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

– Мол-мулк шартномасини расмийлаштирилади? Л. ТўЛАГАНОВА, Чиноз тумани.

– Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида куйидагилар назарда тутилиши мумкин: а) шартноманингни номи, шартнома тасдиқланган жойининг тўлиқ номи; б) шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати; в) фойда олувчи тўғрисида кўрсатма; г) ишончли бошқарувнинг ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари; д) ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс; е) агар ҳақ тўлаш шартномада назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувнига тўланадиган ҳақнинг микдори ва шакли. Изоҳ: шартномада юқорида назарда тутилган шарт-



лар бўлмаган тақдирда шартнома тузилмаган ҳисобланади. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Шартноманингни амал қилиш муддати тамом бўлганида тарафлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, шартнома унда назарда тутилмаган муддатга ва шартлар асосида ўзайтирилган деб ҳисобланади. Ишончли бошқаришга топширилган айрим турдаги мол-мулклар учун қонунда шартнома амал қилишининг бошқа энг кўп муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин. Сиз мол-мулк шартномасини тузиш мақсадида нотариус хузурига келганингнизда, у шартномани давлат рўйхатиндан ўтказиш зарурлигини, рўйхатдан ўтказмаслик натижасида келиб чиқадиган оқибатларни тушунирадиган бўлса ҳақда шартноманингни матнда кўрсатилган Саволларга нотариус Эшшога ЗОКИРОВА жавоб берди.

ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Вилоят шаҳар ва туманларида Бош қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар давом этмоқда.



Тошкент Давлат аграр университети қошидаги академик лицейда "Конституция - бахтимиз пойдевори" мавзусида уюштирилган тадбирда вилоят адлия бошқармаси ва ҳокимлик вакиллари, ички ишлар бошқармаси ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар қатнашди.

Мият муносабатларининг ишончли кафолати эканини, у барча фуқароларнинг қомус олдида тенглигини таъминловчи Қомус эканини таъкидладилар. Шунингдек, тадбирда лицей ўқувчилари тайёрлаган маърузалар тингланди. Улар дарслар давомида олган билим ва кўникмаларини намойиш этдилар.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Вилоятда қайд этилаётган ёнгинларнинг аксарияти хонадонларда юз бермоқда. Печ, газ ва электр ускуналарининг носозлиги, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, қолаверса, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва энг ачинарлиси, ёш болаларнинг ўт билан ўйнашлари бунга сабаб бўляпти.

ОЛДИНИ ОЛИШ БОШ МАҚСАДИМИЗ

Шу йил июнь ойида Қиррай тумани, Ўнқурғон қишлоғи, "Гулистон" маҳалласи, Чимчент йўли кўчаси, 29-ва 31-уйларнинг мол-хонасидасидир бўлган ёнгин болаларнинг шўхлиги оқибатида келиб чиқди ва хонадон эгаси 10 миллион сўм зарар кўрди. Оққўрғон тумани, Қахрамон қишлоғидаги дала ховлиларнинг бирида хонадон соҳиб мот холда синартга чекиши оқибатида ёнгин чиқди. Воқеа жойидан бир фуқароннинг куйган жасади топилди.

КАТТАЛАР ЎЙЛАБ ИШ ҚИЛИШСА

кўплаб ёнгинларнинг олди олинади

Яқинда кўп қаватли уйлар ҳовлисида бир мунозаранинг гувоҳи бўлдик. Бир аёл ховли супуриб, ҳазонларни тўплаб ёқяпти. Иккинчи қаватдаги аёл эса ҳазонларни унинг хонадонини рўпара-сида тўлагани учун "қўявермай-сизми, керак бўлса узлари йил-йили олиб кетишди, сизга нима супуриб" деб қойди. Айримлар биринчи аёлнинг ишини сабоғ-ва йўйишди, баъзилар эса иккинчи аёлнинг галини маъқул-лашди. Лекин ҳазонларнинг ту-туни атрофни тўдираётгани ҳеч қимни безовта қилмади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига такроран Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги автомобил-транспорт воситалари кўйилмоқда.

«ТОШВИЛСУВОҚАВА» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА КЎЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА МУТАХАССИСЛАР ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: 1. Иқтисод ва сув тақсироти бўйича бошқарув раисининг ўринбосари Талаблар: мутахассислиги молия ёки иқтисод йўналишидаги олий маълумот, иш стажини раҳбар лавозимида 5 йил.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Савдога қуйидаги автомобил-транспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Паркент тумани СИБ томонидан 1. 06.10.2010 й. № 1-349-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и/ч., Газ 5204 русумли, д/р 10 А 786 ВА бўлган автомобил-транспорт воситаси.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

2013 йилда КИШЛОҚЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА КУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШ БОШЛАНДИ! 2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Талабдорларнинг қурилиш қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги; Бир йиллик сифат кафолати; Уларнинг нархларида юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: Охангон тумани СИБ томонидан 23.08.2011 й. № 4488/4489/4490/4491/4492/4493/4494/4495/4496-сонли ижро варақаларига асосан Тошкент вилояти, Охангон тумани, Озодлик қ.ф.й., Зивалеқ кўрғонига жойлашган савдо дўконлари: 1. Умумий фойдаланиш майдони 36,30 кв.м. Бошланғич баҳоси - 21 001 600 сўм.

Утеряннуоу круглую печать ЧП "Юнусов Акбар Гафурджанович" (ИНН 489258847), за-регистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г.Ташкента по адресу: "Уризор" иктисослашган бозори 1-кават, 21-сонли, выданную разрешительным отделом Чиланзарского РОДВ.

Юнусобод тумани ТСРҮИ томонидан 12.04.2011 йилда реестр рақами № 006583-10 билан рўйхатга олинган "MUZAYYANA MOBIL" масъулияти чекланган жамияти "GRAY GLOBAL GROUP" масъулияти чекланган жамияти "MUZAYYANA MOBIL" масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари судьяларининг малака ҳайъати, малакали ҳуқуқшуносларни судьялик лавозимига номзодлар захирасига тақлиф қилади

1. Ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик иктисослиги бўйича камид беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти туман (шаҳар) судларининг судьялиги лавозимига. 2. Уттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик иктисос бўйича камид беш йиллик, шу жумладан, қонда тарихисидаси судья бўлиб ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти туман (шаҳар) судларининг раислиги лавозимига.

ИСТЕЪДОД РАҒБАТИ

ЁШЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ

Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маърифий соҳалардаги туб ўзгаришлар самараси ўлароқ жаҳон андозаларига мос билим даргоҳлари, спорт мажмуалари, болалар бадиий ижодиёти марказлари бунёд этилмоқда.

Республика Президентининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича

2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" ги Қарори ижтимоий-маданий тадбирларни амалга оширишда дастуриал амал бўлиб хизмат қилмоқда. Қарор ижросига мувофиқ республикамизнинг чекка туман ва қишлоқларида ҳам қатор болалар бадиий ижодиёти марказлари ташкил этиляпти.

– Юртбошимиз ташаббуси билан бугун ўқувчиларимиз янги бинода мусиқа сирларини кунт билан ўрганишяпти, – дейди Чиноз тумани 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Азиза Полвонова. – Мактабимиз 1960 йили ташкил этилган бўлиб, биноси анча эскирган эди. 2011 йилнинг ноябрь ойида Давлат дастури асосида миллий ва замонавий услубда бунёд этилган ҳамда мусиқа асбоблари билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтдик.



Хозир мактабимизда 445 нафар ёшлар мусиқа ва санъатнинг 13 йўналиши бўйича билим олишмоқда. Истеъдодли болаларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағ-

батлантириш, қобилиятларини намоён этишларига кўмаклашишда "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг аҳамяти катта бўляпти. "Янги авлод – 2011" республика болалар ижодиёти фестивалида мусиқа мактаби ўқувчиси Шерали Холматов доира йўналиши бўйича республика голиби бўлди. Шаҳзода Муҳаммадзонова эстрада кўшиқчилиги йўналишида фестивал дипломи билан тақдирланди.

Республикамизда ҳар йили Муҳиддин Қорӣқубов номидаги ёш ижроичилар танлови ўтказилаяпти. Танловнинг 2011 йилги босқичида ҳам мусиқа мактаби ўқувчиси Шерали Холматов доирабас йўналишида голиб бўлган эди.

ШАХСИЙ ФИКР

НАФС ҚУРБОНЛАРИ

Замонавий жамиятда турли институтлар – сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилувчи, маърифий ва бошқа тузилмалар фаолият кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари шундай ижтимоий институтлардан биридир. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги барча ижтимоий унсурлари ўртасида алоқа ўрнатувчи ижтимоий восита сифатидаги роли бекуёс. У исталган ижтимоий гуруҳ ва тузилма учун жамиятнинг бошқа аъзоларига мурожаат қилиш, улар билан алоқа ўрнатилган имкониятини олади. Бунинг учун шундай гуруҳнинг дастурини ёритувчи газета, кўрсатув ёки эшиттириш ташкил қилишнинг ўзи етарлидир. "Орият Доно" ёки "Орият-FM"

масъулияти чекланган жамияти ташкил этишда ҳам шундай ният қилинган эди. Бироқ, бир гуруҳ уюшган жиноятчилар ўз вазифаларини унутиб, нафс қурбонига айланишгани ачинарли. Шу йилнинг 5 декабрь кунини эфирга узатилган "Сўзи бошқа, иши бошқа" кўрсатувини орқали ижодий жамоанинг қинғир ва сохта ишлари фош этилди.

"Орият Доно", "Орият-FM" республикамиздаги оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасига оид қабул қилинган бир нечта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга зид сохтакорликлари эвазига тегишли жазо олишди. Бунга турли фикр, қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бермай, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотмай, ҳолислик ва ҳаққоният тамойилларига таянмай, фаолият олиб борганлари сабаб бўлди. Буларни бир сўз билан нафс қурбонлари деб аташ мумкин.

Ҳар бир журналист жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол гоёсини халқимиз, аввало, ёш авлод онгига синдиришнинг, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнини, бу борадаги ютуқ ва муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини ақс этиришни ўз олдига энг устувор вазифа этиб қўймоғи лозим.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА, журналист.

«ҚОР ПАРЧАСИ – 2012»

19-20 декабрь кунлари пойтахтимиздаги "Форум юниор спорт" болалар спорт мужмуасида бадиий гимнастика бўйича "Қор парчаси – 2012" турнири ўтказилди. Мусобақада турли вилоятлардаги спорт клублари ва ташкилотларнинг 2000-2007 йилларда туғилган спортчилари иштирок этишди. Таъкидлаш керакики, "Қор парчаси" турнири "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан 2005 йилдан бунён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мусобақадан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда бадиий гимнастикани омалаштириш ва ривожлантириш, шунингдек, ёш гимнастикчиларнинг тажрибаси ва маҳоратини оширишдир.

"Туркистон-пресс".

РАССОМ ХАНДАСИ



ЭЪЛОНЛАР

Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан 12.04.2011 йилда гувоҳнома рақами 005213 билан (ИНН 205550794) рўйхатдан ўтган "YANGI QALDIR-G'OSH KOMMUNALCHI" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган бир дон думалок муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан "ADVENT EURASIA" КҚга берилган реестр тартиб рақами 71, 234 рақамли гувоҳнома қорхона тугатилганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ТСРҲИ томонидан 2004 йил 8 июнда № 000484-08 (000484) реестр рақами билан рўйхатга олинган "ANGEL TUR-SERVIS" МЧЖ (ИНН 205095094) ТУГАТИЛАДИ (Таъсисчининг 2012 йил 10 декабрдаги 5-сонли Баённомасига асосан).

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 8-қават. 13-уйда қабул қилинади. Тел.: 174-18-28.

ООО "MIRAL SHINA", заргистр. регистр. субъектов предпринимательства хомията Юнусабдского района г. Ташкента (реестр. № 005910-10 от 22.07.2010г.), расположенное по адресу: ул. Амир Темура, 129-А (ИНН 300602001), ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Протокол № 2 от 03.12.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

КЎНГЛИМ КУЙЛАРИ

Пойтахтимиздаги Иқоу Хираяма халқаро маданият қарвон саройида рангтасвирчи Тошпўлат Номозовнинг Мустаҳкам оила йилга бағишланган "Кўнглим куйлари" шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда Бадиий академия мутасадди ходимлари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди. Тошпўлат Номозов табиат шайдоси, айниқса, куз фасли унга ўзгача илҳом бахш этади. Унинг "Ховли", "Қиш", "Шаҳрисабз садолари", "Отам", "Талаба қиз" каби ўнлаб асарлари хорижий давлатлардаги кўргазмаларда ҳам юксак баҳоланган. Рассом рангтасвир, графика, қулолчилик ва нақошлик асарлари билан нафақат мамлакатимизда, балки бир қатор хорижий давлатларда ном қозонган.

Бугунги кунда Тошпўлат Номозовнинг асарлари Ўзбекистон Бадиий кўргазмалар дирекцияси, Давлат санъат музейи, шунингдек, Россия, Латвия, Австрия, Швейцария, Франция, Германия, Япония, Италия каби давлатларнинг музейи ва шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ, "Туркистон-пресс".

МАЪНАВИЯТ

Асл касби муҳандис Абдуқаҳҳор Алимбоевнинг Ватан мадҳи, инсонийлик фазилатлари ақс этган шерьларини ўқир экансиз, халқимизнинг эзгуликка йўғрилган бетакрор табиати кўз олдинда намоён бўлади. Тўғри, муаллиф асосан рус тилида ижод қилади. Лекин, улар ҳар бир сатрида миллий қадриятларимизга, маънавий, маданий меросимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром, Она юрти, ватандошларига бекиёс меҳр ва айни дамда истиқлол неъматларига шуқроналик туйғуларни буй кўрсатиб туради.

ЮРАКДА ВАТАН ИШҚИ

Истиқлол илҳом берган ижод соҳибининг шерьий тўпламларининг номланиши ҳам бедор юрак дардларига ҳамоҳанг: "Менинг ота уйим" ("Мой отчий дом" 2005 й.), "Тунги соқчи" ("Ночной дозор" 2006 й.), "Бир сиқим тупроқ" ("Горсть родной земли" 2007 й.), "Хотира кунини" ("День памяти" 2007 й.), "Дунёни гўзаллик ва маънавият кутқаради" (Мир спасёт красота и духовность" 2008 й.), "Маънавият замиридаги ҳақиқат" ("В духовности кроется истина" 2008 й.), "Туйғулар тугёни ёки маънавият оламни кутқаради" ("Сме-

тение чувств или духовность спасёт мир" 2010 й.), "Маънавият" ("Духовность" 2011 й.), "Маънавият ёғдуси" (Восхождение духовности" 2012 й.) каби китоблари муҳлислар эътиборини қозонди. Муаллиф аслида шoirликка даввогар эмас. Аммо: "Эзмасам туролмайман, – дейди у. – Юракдан тошиб чиққан туйғуларимни оқ қорғозга битиб, гўё таскин топаман. Деярли ярим асрдан бунён одамлар орасида, уларнинг орзу-армонлари, қувончу шодликларига шерикман. Айниқса, кейинги 20 йил давомида рўй бераётган



улкан бунёдкорлик ишлари, мустақиллик шарофати билан қадди-басти тикланаётган ўзбек халқининг халқаро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори мен учун бекиёс илҳом манбаига айланди: ...Остонангга келар бош куйгим, Менинг ота уйим, пушти пааноҳим. Дардларим арийдди иссиқ бағрингда, Ташвишларим унутиб, келмайди кетгим.

Деворларинг жисминга қувват, Ҳузур берар секин силасам. Юрагимда илик ҳарорат, Қалбим оройиши ўзинган, фақат. ("Ота уйим". "Мой отчий дом").

"Инсонни эътиқод улуглайди" дейишди Абдуқаҳҳор Алимбоев ота-боболари изидан бориб, ўз халқи учун хизмат қилиб келмоқда. Халқимизнинг бебаҳо мулки бўлган тарихий обида – "Кўкалдош" мадрасаси биносини ҳалокатдан асраб қолган ҳақиқий ватанпарвар сифатида тошкентликлар яхши танийдиган бу инсоннинг ўз юрти ва халқига, истиқлол неъматларига илҳос-эътиқоди бекиёс. Кўпгина бунёдкорлик, ободончилик ишларида фаол қатнашиб келаётган Абдуқаҳҳор Алимбоевнинг дориларом кунлар шуқронаси бир зум бўлсада тарқ эмаяпти: ...Ватаним, содиқ ўғлинг меҳрин қабул эт, Борлиқни унутдим сенинг пойингда.

Сендан ўзга дунёни билмасман асло, Севмай яшаб бўлмас, жоним танингда.

Агар Ватанимга дахл қилсалар, Фийбату ивғоба ошно этсалар,

Хануз садо берар бамисли видео... Қисқаси, ўз халқи, миллий қадриятларига бекиёс ҳурмат ва эътиқодини баҳоли қудрат ифодалашга интиляётган Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг шерьлари аввало рус тилида эканлиги билан ҳам алоҳида эътиборли. Зеро, ўзгаларга фахр билан айтишга арзғулик бой адабий, маданий-маърифий меросимиз, қадриятларимиз бисёр.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Ҳимоянгга сўзсиз вужудим қалқон, Сенга фидо бўлсин танамдаги жон. ("Маънавият" – "Духовность" китоби).

Муаллифнинг мумтоз адабиёт намояндалари ҳақидаги шерьларидан бири Нодирабегимга бағишланган. Улуғ шоиранинг муқаддас қадриятларга бўлган эътиқоди, ўз оиласига садоқати, муҳаббат йўлидаги изтироблари, айрилиқнинг аччиқ азоблари ақс этган ижодий мероси, дил наволари таъсирли ва эзилган шерьий сатрларда таъкидлаганимиз аҳдодлар хотирага бўлган чуқур санимият, эъзозу эҳтиром муҳассам.

Маъёс мисраларга жо бўлган нидо Хануз садо берар бамисли видео...

Қисқаси, ўз халқи, миллий қадриятларига бекиёс ҳурмат ва эътиқодини баҳоли қудрат ифодалашга интиляётган Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг шерьлари аввало рус тилида эканлиги билан ҳам алоҳида эътиборли. Зеро, ўзгаларга фахр билан айтишга арзғулик бой адабий, маданий-маърифий меросимиз, қадриятларимиз бисёр.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

Жиноят содир этиб, қўлга тушдингми, айбингни тўлиқ тан олиб, иқдор бўлгинки, оғир жазодан қутулиб, яна айбингни суриб юрверасан. Тадбиркор Раъно Давренова бу "ҳақиқат"ни иллаганида ўзини енгил ҳис қилди. Чунки, ўша – 2008 йилнинг 28 январида Ўрта Чирчиқ туман прокуратураси томонидан Жиноят Кодексининг 190-моддаси 2-қисми ва 209-моддаси 1-қисми билан унга нисбатан кўзгатишган жиноят иши 2008 йил бошларида амнистия бўйича тугатилди.

Ўзини оппоқ ҳис қилган бу "тадбиркор" кўп ўтмай, яна эғри кўчаларда айлана бошлади. Табиийки, сири очилиб, яна қўлга тушди. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди энди уни Жиноят Кодексининг 184-моддаси учинчи, 209- ва 207-моддалари биринчи, 189-моддаси учинчи қисмлари билан айбли толиб, уч йил муддатга моддий ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилди, 19 миллион 894 минг 400 сўм жарима жазоси таъинлади. Суд идоралари одиллик йўлини тутиб, кўп вақт ўтмай уни жарима жазосидан озод қилишди.

Бироқ, ўрганган кўнгли ўртанса ҳам қўймаслиги бор экан. Чунки, Раъно Давренова яна жиноят билан қўлга тушди. Энди суд уни Жиноят Кодексининг учта банди бўйича айбли деб топди. Илгариги жазонинг ўтмай қолган муддати ҳам қисман қўшилиб, у 2 йилу 3 ой 11 кун мобайнида моддий ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. 9,4 миллион сўмдан зиёддорлик микдорда жарима жазоси белгиланди.

... У 2011 йил 1 март кунини Ўрта Чирчиқ туманида "RUS-LANBEK-TRANS-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятини таъсис этиди. Янги қорхона аҳолига транспорт хизмати кўрсата бошлаган дастлабки кундан, енгил йўл билан бойлик орттириш мақсади Давренованинг

кўрсатишмади. Бу жиноий гуруҳ 2011 йил 21 февралдан 2012 йил 1 январгача ҳисоботларда иши ҳодимлар сонини қамайтириб кўрсатиш ва бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатлар орқали 83,2 миллион сўм миқдордаги фойдани яшириб, қамайтириб кўрсатиб,



турли йиғимлар, солиқ ва бошқа тўловларни тўламай келди. Улар "Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-қасса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида" ва "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорларда белгиланган қўйилган қоида ва талабларни бузиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида ўн ой мобайнида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан тугшган 106 миллион сўмдан ортққ тушумининг фақат 33 миллион 154 минг сўмини жамият назорат-қасса машинасидадан ўтказмасдан тўғридан-тўғри банкка топширишган, қолган

73 миллион сўм маблағни НКМ хотирасига ҳам киритмасдан, банкка ҳам топширмасдан "ғум" қилиб юборишган.

Иш бошқарувчи раҳбар Жамшидхўжа Шопозиловнинг бошқа найранглари ҳам етарли бўлган. Чунончи, хаёли "фаромуш" бу раҳбар



ҳодимларга иш ҳақини вақтида тўлашни унутган. Натияжада, 2012 йил 1 март ҳолатига қорхона ҳодимларидан иш ҳақининг ўзидан 10,6 миллион сўмдан зиёд қарздор бўлиб қолган. Бу ҳолатларни хаспўшлаб, Шопозилов судда ўзини ҳар қўйга солди, кечаги ҳамтовқлари юзига лой чаплашдан ҳам қайтмади, ў ёки бу айбни гоҳ бош ҳисобчига, гоҳ таъсисчига ортмоқлашга уринди. – Ҳисоботларни имзолашда бош ҳисобчи ишонганман, – деди у судда. – Ҳисоботларнинг тўғрйлигини Давренова Раъно опа ҳам таъкидлаб турарди. Қорхонани у киши бевосита бошқарди, нақд тўшуларини Раъно Давренованинг ўзи қабул қилиб оларди...

Қорхона соҳибаси Раъно Давренова эса, судда бунинг ақсини айбиди турлиб олди: – Нақд пуллари жамият раҳбари Жамшидхўжа Шопозилов билан бош ҳисобчи Дилфуза Тожибоевалар қабул қилиб олишиб, инкассаторлар орқали банкка топшириб келишган, – деди у. – Мен уларга ишонардим... Доғда қолдим...

Бош ҳисобчининг суддаги кўрсатмалари кўп ҳолатларга ойдинлик киритди. – Ҳисоботларни тайёрлашдан олдин ҳамиша таъсисчи билан маслаҳатлашганман, – деди Дилфуза Тожибоева. – Раъно Давренова ишчилар сонини нечта кўрсатишни айтарди, шунга қўра ишловчилар ҳаммиша кам кўрсатилган. Унинг топшириқларини бажарганим учун пушаймонман...

Шу сингари ҳолатлар тўғрйлиги 59,2 миллион сўмдан кўпроқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмай қолган. Оқибатда жиноят ишларининг қўлами кенгайиб, охири пуфакдек ёрилди – осон бойлик орттириш йўлига ўтиб олган бу жиноятчилар давлат ва жамиятга катта зарар етказишди.

Тўғри, жиноятчилар жазоланишди. Лекин учинчи марта муайян "муддатга моддий ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум" қилинган Раъно Давренова яна бирор йўсиндаги "тадбиркорлик" фаолиятига киришиб, "гах" деса қўлига қўнадан "содиқ" хизматчиларини атрофига тўпламаслигига, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказмаслигига, ўнлаб ходимларни ишлатиб, меҳнат ҳақини тўлашдан овораси сарсон қилиб қўймаслигига ким қарор беради? Жўрабек МУРОДОВ.

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилымыз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс), 233-12-83, 233-48-08, 236-55-54, 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ Навбатчи Юлдузхон МУҲИДИДИНОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ